

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ИННОВАЦИОН МЕХАНИЗМЛАРИ

Хикматов Ш. Ш.

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида инсон кадрини улуғлаш, хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлаш ҳамда уларнинг жамият ҳаётидаги тўлақонли инклюзиясини таъминлаш замонавий ҳуқуқий сиёсатнинг устувор стратегик йўналишига айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг концептуал қоидалари ногиронлик феноменига нисбатан анъанавий тиббий ёндашувдан воз кечиб, инсон ҳуқуқларига асосланган ижтимоий моделга ўтишни қатъий тақозо этмоқда [1]. Мамлакатимизда ушбу тоифадаги фуқароларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг институционал-ҳуқуқий асослари изчил янгиланаётган бўлса-да, норматив-ҳуқуқий базанинг ривожланиши ўз-ўзидан мавжуд муаммоларни тўлиқ бартараф эта олмайди. Бу эса, ўз навбатида, соҳадаги қонунчилик ҳужжатларининг сўзсиз ва бир хилда ижро этилиши устидан таъсирчан назорат механизмларини, хусусан, прокурор назоратининг услубий ва амалий асосларини ислоҳ қилиш заруратини юзага келтиради.

Мазкур муаммонинг илмий-назарий ва методологик жиҳатларини тадқиқ этиш жараёнида ногиронлиги бўлган шахс ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунчаларининг миллий ҳуқуқ тизимидаги талқини ҳанузгача муайян доктринал зиддиятлардан холи эмаслигини кузатамиз. Аксарият маҳаллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ногиронликни асосан жисмоний ёки функционал чекловлар орқали баҳолашга мойил бўлиб, бу ҳолат инсоннинг ижтимоий муҳит ва инфратузилма тўсиқларига дуч келиши каби халқаро миқёсда тан олинган мезонларни иккинчи даражага суриб қўймоқда. Биз муқаддам ўз илмий изланишларимизда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашда илғор хорижий давлатлар, хусусан, Европа Иттифоқи тажрибаси ҳамда БМТ Конвенцияси талабларини миллий амалиётга ратификация қилишнинг истиқболли жиҳатларини асослаб берган эдик [2]. Ушбу ҳуқуқий ёндашувни янада ривожлантирган ҳолда таъкидлаймизки, миллий қонунчиликдаги атамашунослик ва мезонларни тиббий парадигмадан ижтимоий-интеграцион табиатга тўлиқ ўтказиш прокуратура органларининг назорат объектини концептуал жиҳатдан кенгайтиради ва уларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини янги босқичга олиб чиқади.

Шу нуқтаи назардан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини амалда таъминлаш фақатгина давлат бошқаруви органларининг эксклюзив вазифаси бўлиб қолмасдан, балки фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари билан мустаҳкам ижтимоий шерикликни талаб этувчи мураккаб, кўп қатламли тизимдир. Ушбу жараёнда прокуратура органлари нафақат қонун бузилиши ҳолатларига нисбатан жазо чораларини қўлловчи субъект, балки давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги мувозанатни таъминловчи, қонунийликни кафолатловчи марказий куч сифатида намоён бўлиши лозим. Жамоат ташкилотлари, айниқса ногиронлар жамиятлари томонидан қўтарилаётган инфратузилмавий тўсиқлар ёки ижтимоий хизматларнинг сифатига доир тизимли муаммолар бевосита прокурор назоратининг таҳлилий ва ахборот базасини шакллантиришда бирламчи манба бўлиб хизмат қилиши даркор. Демак, прокуратура ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг тизимли ва мувофиқлаштирилган ҳамкорлиги қонун устуворлигини таъминлашда юқори самарадорликка эришишнинг гаровидир [3].

Соҳада прокурор назоратини ташкил этиш ва унинг методологик асосларини мустаҳкамлаш учта ўзаро узвий боғлиқ бўлган функционал элементга таянади. Булар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатларини мурожаатлар тушишини кутмасдан, ўз вақтида ва тўлиқ аниқлаш, мазкур қонунбузилишларни келтириб чиқараётган институционал ва тизимли сабаб ҳамда шарт-шароитларни чуқур аниқлаш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни зудлик билан тиклаш ва айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича комплекс ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашдан иборатдир. Прокурор назорати амалиётини тадқиқ этган айрим олимларнинг фикрича, ҳудудий прокуратура органлари кўпинча ваколатли идоралар томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг қонунийлигини баҳолашда фақатгина юзаки ва статистик кўрсаткичларга таяниш билан чекланадилар [4]. Мазкур фикрга қисман қўшилган ҳолда, биз илгари сураётган концепцияга кўра, прокурор ҳужжатлари (протест, тақдимнома, қарор) шунчаки маъмурий жазолаш воситаси эмас, балки давлат органлари фаолиятида тизимли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олувчи чуқур институционал ўзгаришларга туртки берувчи вазифани бажариши шарт.

Нazorat тадбирларининг натижадорлиги прокурор назорати объекти ва доирасини қай даражада аниқ ва тўғри белгиланишига бевосита боғлиқдир. Бугунги кунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатларининг ижроси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида кесишади. Мазкур идораларнинг ваколатлари тўқнашган ёки туташган нуқталарда (масалан, тиббий-ижтимоий экспертиза ва кейинчалик шахсни касбий реабилитация қилиш ҳамда бандлигини таъминлаш жараёнларида) муайян ҳуқуқий бўшлиқлар ёки масъулиятни бир-бирига юклаш ҳолатлари юзага келмоқда. Шу боис, биз назоратнинг ҳудудий ва идоравий мезонларини сунъий равишда чегаралаш эмас, балки уларни ягона мақсад инсон кадр-қимматини кафолатлаш ғояси атрофида бирлаштирилган комплекс ва тизимли назорат шаклига

ўтказиш лозимлигини илмий жиҳатдан асослаймиз, бу эса идоралараро электрон маълумотлар интеграциясини ва “рақамли прокуратура” тизимининг таҳлилий имкониятларини кенгайтиришни тақозо этади.

Амалиётда қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг энг долзарб ва ижтимоий жиҳатдан нозик йўналишларидан бири соғлиқни сақлаш ва тиббий-ижтимоий таъминот кафолатларининг реал ижро этилиши ҳисобланади. Ногиронлиги бўлган шахсларни бепул ва ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам, зарур ҳолларда сифатли психиатрик муолажалар ҳамда ҳаётий муҳим дори воситалари ва ортопедия буюмлари билан таъминлаш жараёнлари кўпинча куйи бўғиндаги бюрократик тўсиқлар ва молиявий маблағларнинг нооқилона тақсимланиши туфайли оқсамокда. Айниқса, фуқароларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш ва ногиронлик гуруҳларини белгилаш тартиботларида инсон омили таъсирининг юқорилиги муайян коррупцион хавф-хатарларни ва фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлувчи асоссиз рад этиш ҳолатларини келтириб чиқармоқда. Бундай мураккаб шароитда прокуратура органлари фақатгина келиб тушган шикоятлар доирасида чекланиб қолмасдан, балки тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари қарорларининг қонунийлиги ва тиббий-ҳуқуқий асослилиги устидан узлуксиз тизимли мониторинг ўрнатиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Навбатдаги муҳим ва тизимли таҳлилни талаб қилувчи йўналиш ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиш ва меҳнат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқларининг қонуний кафолатларини таъминлашдир. Инклюзив таълим тизими орқали барча босқичдаги ўқув муассасаларида тенг имкониятлар яратиш қонунчилик даражасида мустаҳкамланган бўлса-да, амалиётда мослаштирилган инфратузилманинг (пандуслар, лифтлар, махсус дарсликлар) етишмаслиги ушбу тоифадаги шахсларнинг билим олиш имкониятини чекламоқда, шунингдек, меҳнат муносабатларида уларни ишга қабул қилишда дастлабки синов муддатини қўллашнинг тақиқланиши ва қисқартирилган иш вақти каби имтиёзлар реал ҳаётда доим ҳам ишламайпти [5, 164-171]. Айрим тадқиқотчилар ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлашда хорижий тажрибага, хусусан, Европа мамлакатларидаги молиявий санкциялар моделига таяниб, квоталарни бузган иш берувчиларга нисбатан қатъий ва йирик миқдордаги маъмурий жарималар тизимини жорий этишни таклиф қиладилар [6, 17]. Бизнингча, фақатгина жарималар ва мажбурлов чоралари орқали соф ижтимоий ва инклюзив мақсадларга тўлиқ эришиб бўлмайди. Прокуратура органлари қонунбузарликни жазолаш билан бир қаторда, ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаган тадбиркорлик субъектларига бериладиган давлат субсидиялари ва солиқ преференциялари каби рағбатлантирувчи механизмларнинг тўғри ва адолатли қўлланилиши устидан ҳам қатъий назорат ўрнатиши тизимнинг ижтимоий самарадорлигини оширади.

Қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг амалий соҳалардаги яна бир ўта муҳим ва тизимли муаммоларни ўзда мужассам этган устувор йўналиши ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқларсиз, қулай жисмоний муҳит ва инфратузилмани яратиш кафолатларининг давлат органлари томонидан қай даражада таъминланаётганлигини текширишдир. Шаҳарсозлик фаолиятида, жамоат транспортларида, ижтимоий ва маиший хизмат кўрсатиш объектларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркин ҳаракатланиши учун махсус мосламалар (пандуслар, тактил плиткалар, овозли светофорлар) ўрнатилиши қонун билан қатъий белгиланган бўлса-да, амалиётда ушбу талабларнинг кўпинча номигагина, стандартларга зид равишда бажарилиши кузатилмоқда.

Учинчи минг йилликнинг глобал чақириғи бўлган рақамли трансформация ва электрон ҳукумат ривожланиши шароитида, прокурор назоратининг навбатдаги йўналиши ногиронлиги бўлган шахсларнинг ахборотга ва рақамли хизматларга бўлган ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилиши керак. Бугунги кунда жисмоний тўсиқлардан ташқари, рақамли тенгсизлик деган ўта хавfli ҳодиса шаклланимоқдаки, бунда давлат хизматларини кўрсатувчи электрон платформалар, расмий веб-сайтлар ва мобил иловалар кўриш ёки эшитиш қобилияти чекланган шахслар учун мослаштирилмаганлиги инсон ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилиши ҳисобланади [7]. Одил судловга эришиш кафолатлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда энг олий инстанция ҳисобланади, бу борада прокурорнинг фуқаролик ва маъмурий суд ишларини юритишдаги иштироки бекиёс аҳамият касб этади. Қонунчилигимизга кўра, соғлиғининг ҳолатига кўра судга шахсан мурожаат қилиш имкониятига эга бўлмаган фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб прокурор ариза (даъво) билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ижтимоий ҳимоя соҳаси давлат бюджетидан энг кўп маблағ йўналтириладиган тармоқлардан бири эканлигини инобатга олсак, ногиронлиги бўлган шахслар учун ажратилган молиявий ресурсларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан прокурор назорати алоҳида долзарблик касб этади. Махсус протез-ортопедия буюмлари, ногиронлик аравачалари харид қилиш, шунингдек, тиббий-ижтимоий муассасалар (Саховат ва Мурувват уйлари) таъминоти учун йўналтирилган бюджет маблағларининг талон-торож қилиниши ёки коррупцион схемалар орқали сифатсиз воситаларнинг сотиб олиниши нафақат иқтисодий жиноят, балки инсонийликка қарши қаратилган маънавий таназзулдир. Ушбу йўналишда прокуратура органларининг Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти билан ҳамкорликдаги назорат тадбирлари маблағ талон-торож қилингандан сўнг эмас, балки давлат харидларининг тендер босқичларидаёқ коррупцион хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилган комплаенс-назорат шаклида амалга оширилиши ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётининг янги стандартига айланиши керак.

Халқаро ҳуқуқ нормалари, хусусан, БМТ Конвенциясининг руҳий ногиронлиги бўлган шахсларни жамиятдан ажратиб қўювчи ёпиқ турдаги муассасалардан воз кечишга, яъни уларни маҳаллий жамият ичида яшашини таъминлашга чақиради. Мамлакатимиздаги мавжуд руҳий-асаб касалликлари диспансерлари,

ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва бошқа ёпиқ турдаги ижтимоий муассасаларда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқлари устидан назорат прокуратуранинг энг масъулиятли йўналишларидан биридир [8].

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мазкур мураккаб ва кўп қиррали механизмларини ҳаётга татбиқ этиш прокуратура органларининг ўз ичида ҳам чуқур институционал ва таркибий ислохотларни амалга оширишни тақозо этади. Аънавий прокурор назорати методикаси ушбу нозик қатлам билан ишлашда кўпинча психологик ва махсус билимларнинг етишмаслиги туфайли оқсайди. Шу сабабли, Бош прокуратура марказий аппарати ва вилоят прокуратуралари тузилмаларида айнан аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари, хусусан, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган тармоқларни (ёки махсус ёрдамчи лавозимларини) ташкил этишни, мазкур йўналишдаги ходимларни эса тиббий-социологик, дефектологик ва инклюзив психология асослари бўйича узлуксиз малака ошириш курсларига жалб қилишни таклиф этамиз. Бундай ихтисослашув назорат тадбирларининг юзакилигига барҳам бериб, жабрланганлар билан профессионал мулоқот ўрнатилишини таъминлайди. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жиноят процессидаги иштироки ва уларнинг ҳуқуқларини қафолатлаш масаласи қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг энг мураккаб, айти пайтда фундаментал аҳамиятга эга бўлган йўналишларидан бири саналади. Аксарият ҳолларда, жисмоний, руҳий ёки сенсор (эшитиш, кўриш) нуқсонлари бўлган фуқаролар тергов ва суд жараёнларида процессуал тенглик тамойилидан тўлақонли фойдалана олмайдилар. Адвокатнинг мавжудлиги муҳим, бироқ прокурор назорати тергов ҳаракатлари давомида халқаро ҳуқуқда белгиланган оқилона мослаштириш тамойилининг реал ишлашига, яъни малакали сурдотаржимонларнинг ўз вақтида жалб этилиши, тергов ҳоналарининг жисмоний қулайлиги ва сўроқ жараёнларида махсус психологлар иштирокининг қонунийлигини таъминлашга қаратилиши шарт. Ушбу шартлар бажарилмаган ҳолда олинган ҳар қандай кўрсатма прокурор томонидан номақбул далил сифатида баҳоланиши керак.

Ижтимоий-ҳуқуқий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ногиронлик муаммосини ўрганишда соҳалараро ёндашувини қўлламаслик мақсадли ва таъсирчан прокурор назоратини ташкил этишга жиддий тўсқинлик қилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам ичида ҳам икки қарра заиф бўлган гуруҳлар мавжуд, булар ногиронлиги бўлган аёллар ва болалардир. Ногиронлиги бўлган аёллар жамиятда ҳам гендер, ҳам жисмоний ҳолати сабабли дискриминацияга учраш хавфи остида яшайдилар, уларнинг оиладаги зўравонлик қурбонига айланиш коэффициенти соғлом аёлларга нисбатан бир неча баробар юқоридир [9]. Шу боис, прокуратура органлари маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ва ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари фаолияти устидан назоратни амалга оширишда ҳимоя ордерларининг айнан мазкур тоифадаги аёлларга қандай берилаётганлигини, уларнинг ижтимоий реабилитацияси қандай кечаётганлигини алоҳида текширув предмети сифатида белгилашлари зарур. Болалар масаласида эса, ихтисослаштирилган мактабгача таълим ва тарбия муассасаларида тарбияланувчиларга нисбатан руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказиш ҳолатларига қарши муросасиз прокурор чораларини қўллаш тизимини яратиш талаб этилади.

Замонавий ҳуқуқий муҳитда сунъий интеллект ва юқори ахборот технологияларининг имкониятларидан фойдаланмасдан туриб, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг бузилишини олдиндан прогноз қилиш ва тизимли превентив назорат ўрнатиш мумкин эмас. Давлат органлари фаолиятини рақамлаштириш орқали тўпланаётган улкан маълумотлар базалари (Big Data) прокурорлар учун бебаҳо тахлилий манба ҳисобланади. Айрим технократ олимлар рақамлаштиришнинг ўзи коррупция ва инсон омилини йўқотади, деб ҳисобласа-да, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, алгоритмларнинг нотўғри ишлаши ёки маълумотлар базасига ғаразли мақсадларда аралаштириш орқали ижтимоий нафақаларни нотўғри ҳисоблаш ҳолатлари авж олмакда. Бош прокуратура томонидан ногиронлик нафақаларини тайинлаш, реабилитация техник воситаларини тақдим этиш навбатлари ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш электрон платформалари билан бевосита интеграция қилинган сунъий интеллект ёрдамида назорат тизимини ишга тушириш мақсадга мувофиқ. Ушбу тизим дастурий тарзда аномалияларни (масалан, навбатларнинг сунъий равишда орқага сурилиши ёки тиббий ҳулосаларнинг сохталаштирилишини) автоматик аниқлаб, ҳудудий прокурорга тайёр тахлилий сигнал бериши лозим.

Мухтасар қилиб, мазкур илмий мақолада кўтарилган муаммолар ва концептуал ёндашувларни умумлаштириб, фуқароларнинг, хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини нафақат тиклайдиган, балки ҳуқуқбузарликларнинг олдини олувчи, давлат идоралари ва жамият ўртасидаги ижтимоий мувозанатни таъминловчи ҳуқуқ ҳимоячиси бўлган прокуратура моделини тўлақонли жорий этишимиз лозим, деб ҳисоблаймиз. Инклюзив жамиятни қуриш, бу фақатгина раҳм-шафқат эмас, балки адолат масаласидир, прокуратура эса мазкур адолатнинг энг асосий ва бегараз қафолати бўлиб хизмат қилишда давом этиши тарихий ва юридик заруратдир.

АДАБИЁТЛАР

1. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/disability.shtml
2. Хикматов Ш.Ш. Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокурор назорати: миллий амалиёт ва хорижий таъриба // *Nogironlik: jamiyat va huquq*. 2026. – Б.55.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.08.2025 й., 03/25/1081/0738-сон.
4. Ибрагимов Д.Ш. Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // *Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация*. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2022. – Б.59.

5. Abduvaliyeva, M. (2026). Formation of inclusive policy toward persons with disabilities in Uzbekistan. in Eurasian journal of law, finance and applied sciences (Vol. 6, Number 4, pp. 164–171.
6. Мунавваров Б.Ж. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқини таъминлаш масалалари // Магистрлик диссертацияси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2022. – Б.17.
7. Uzbekistan's Path to Digital Justice. <https://cerberus.legal/alerts/uzbekistans-path-to-digital-justice/>
8. Shukhrat Khikmatov. (2025). From Charity To Justice: The Legal And Institutional Transformation Of Disability Rights In Uzbekistan Within The Framework Of International Human Rights Law. American Journal Of Social Sciences And Humanity Research, 5(12), 41–49. <https://doi.org/10.37547/ajsshr/Volume05Issue12-08>
9. Isokov L.Kh. At the nexus of displacement and disability: a critical review of professor Khadija Elmadmad's scholarship on disabled migrants in Morocco // In Eurasian journal of law, finance and applied sciences (Vol. 6, Number 4, pp. 81–92). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.19752186>

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси устидан прокурор назоратининг инновацион механизмлари

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш устидан прокурор назорати механизмларини тубдан ислоҳ қилиш ва концептуал трансформациялаш масалалари тизимли таҳлил этилган. Муаллиф ногиронлик феноменига тиббий ёндашувдан воз кечиб, инсон ҳуқуқларига асосланган ижтимоий-интеграцион моделга ўтиш зарурлигини ҳуқуқий доктрина даражасида асослайди.

Калит сўзлар: Ногиронлиги бўлган шахслар, прокурор назорати, ижтимоий модель, рақамли трансформация.

Инновационные механизмы прокурорского надзора за социально-правовой защитой лиц с инвалидностью

Аннотация. В статье систематически анализируются вопросы коренного реформирования и концептуальной трансформации механизмов прокурорского надзора за обеспечением прав и законных интересов лиц с инвалидностью в Республике Узбекистан. Автор на уровне правовой доктрины обосновывает необходимость полного перехода от медицинской парадигмы инвалидности к социально-интеграционной модели, основанной на правах человека.

Ключевые слова: Лица с инвалидностью, прокурорский надзор, социальная модель, цифровая трансформация.

Innovative mechanisms of prosecutorial supervision over the socio-legal protection of persons with disabilities

Abstract. The article systematically analyzes the issues of radical reform and conceptual transformation of prosecutorial supervision mechanisms over ensuring the rights and legitimate interests of persons with disabilities in the Republic of Uzbekistan. At the level of legal doctrine, the author substantiates the necessity of a complete transition from the medical paradigm of disability to a human-rights-based socio-integrative model.

Key words: Persons with disabilities, prosecutorial supervision, social model, digital transformation.
